

ИМОМ АБУ ҲАНИФАНИНГ ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Имом Абу Ҳанифа (80/699 – 150/767) барчага ҳанафий мазҳаби асосчиси сифатида маълум. Ҳаёти ва ижоди чуқурроқ ўрганилса, у киши нафақат фикҳ илмида йирик олим бўлгани, балки ҳадис илмида ҳам буюк муҳаддислар мақтовига сазовор бўлгани, ҳатто машҳур муҳаддис олимларга устозлик қилганини кўриш мумкин.

Абу Ҳанифага ҳадис бўйича илми саёз деган турли айбловлар қўйилган. Унга қилинган таъналардан каттаси мана шудир. Бундай таъначилар Абу Ҳанифа ўн еттита ҳадисни билади, холос, у ҳадис илмида етук билимга эга эмас дейишади. Бу тухмат илмий таҳлил қилинганида тарихчи олим Ибн Халдун ўзининг “Муқаддима” асарида Абу Ҳанифа ўн еттита саҳиҳ ҳадисни билган деган фикрларни келтиргани¹ маълум бўлди. Кейинчалик мана шу гап яхши ўрганилмасдан асарлардан асарларга нақл сифатида кўчиб келган. Кўплаб илмсиз кишилар бунга алданиб қолдилар ва имомга таъна тошларини ота бошладилар. Ачинарли томони, айрим бемазҳаб кимсалар олим ҳақида бўлар-бўлмас гапларни байроқ қилиб олганлар.

Таъкидлаш жоизки, Абу Ҳанифага замондош бўлган фақиҳ, муҳаддис ва бошқа олимлар у кишининг бошқа илмлардаги каби ҳадис илмида ҳам етук, сиқа, яъни ишончли олимлардан бири экани эътироф этилган.

Сир эмаски, ижтиҳод қилувчи киши Қуръон ва суннатдан масалаларни истинбод қилиши, яъни улардан ҳукмларни чиқариб олиши учун фикҳ қоидалари, ҳадис илми ва бошқа қатор илмлардан бохабар бўлиши шарт. Шундагина у ўзи ўрганган қоидалардан фойдаланиб фаръий (иккинчи даражали) масалаларни чиқаришга қодир бўлади. Чиқариб олинган фикҳий масалалар ўша қоидаларга мувофиқ келиши лозим. Демак, мужтаҳид деганда Қуръони карим, ҳадис илми, фикҳ қонун-қоидалари ва шунга тааллуқли бўлган билимларни ўзида жамлаган ҳамда уларни жуда пухта биладиган олим тушунилади. Имом Абу Ҳанифа бу шартларнинг ҳаммасига тўла жавоб берадиган инсон бўлган.

¹ Ибн Халдун. Муқаддима. – Байрут: Дор ал-авда, нашр йили кўрсатилмаган. – Б.352.

Абу Ҳанифа яшаган даврда юз берган воқеаларга тўхталиб ўтилса, мавзу янада ойдинлашади. Имом яшаган даврда одамларнинг илм олишга интилиши кучайган, Куфа ва Басра шаҳарларида саҳоба ва тобеъинлар яшар эди, табиийки, улардан илм олиш учун қулай вазият юзага келганди. Абу Ҳанифа ҳам илмга иштиёқи баланд ёшлардан бўлган. Бахтли тасодиф туфайли у киши шу даражага эришган. Куйида ана шу воқеага тўхталиб ўтамиз.

Кунлардан бир куни Абу Ҳанифа бозор томон йўл олади. Куфанинг машҳур кишиларидан Имом Шаъбийнинг (ваф. 103 хиж.) уйи шу атрофда эди. У киши ичкаридан чиқиб Абу Ҳанифани кўради ва бирон толиби илм бўлса керак деб ёнига чорлайди. «Қаён борурсиз?» – деб сўрайди. Абу Ҳанифа бир савдогарнинг исмини айтади. Шунда Имом Шаъбий: “Мени тушунмадингиз, кимдан таҳсил оласиз деб сўрадим», – дейди. Абу Ҳанифа таассуф ила бош чайқаб: “Ҳеч кимдан”, – дейди. Имом Шаъбий: “Мен сиздаги иқтидор ва идрокни сезяпман, сизнинг ўрнингиз олимлар даврасида”, – дейди. Мана шу гап Абу Ҳанифанинг қалбидан чуқур жой олади ва энг шимариб илм олишга киришади².

Энг аввал Абу Ҳанифа калом илмига кўнгил қўйди. Аммо ёши ва малакаси ортиб борган сайин бироз тўхтагандек бўлди. Унинг ўзи: “Умрим ибтидосида шу илмни ҳаммадан афзал билдим, сабаби, ақида ва мазҳабнинг асоси айна шу илмга қурилган деб ишонардим. Аммо кейин бу ҳақиқатларни ҳаммадан кўпроқ яхши тушунадиган улўғ саҳобаларнинг бу илмга доир баҳслардан четланганини тушуниб етдим”, – деган. Кейинчалик Абу Ҳанифа бор эътиборини фикҳий масалаларга қаратди ва бошқаларга ҳам бу илмни ўргата бошлади.

Ўша кунларда бир аёл келиб, имомга талоқ масаласида савол берди. Имом бирон нарса дея олмади, аммо яқингинада дарс бераётган Имом Ҳаммод ибн Абу Сулаймондан (ваф. 120/738 й.)

сўраши мумкинлигини айтди, у нима деганини менга ҳам айтиб кетинг деди. Аёл уйига қайтаётиб имом Ҳаммоднинг жавобини айтди. Абу Ҳанифа бу жавобдан ҳайратга тушди, Имом Ҳаммоднинг дарсхонаси томон юриб, унинг шогирдлари қаторига қўшилди³. Бу олимни фикҳ илмига олиб кирган воқеа эди.

Имом Ҳаммод Куфадаги машҳур олимлардан бўлиб, Расули акрам (с.а.в.)нинг хос ходимларидан бири Анас ибн Молик (р.а.) қўлида ҳадис илмидан дарс олган ва таниқли тобеъинлар суҳбатидан баҳраманд бўлган эди. Куфада айна уларнинг мадрасаси авом халқ энг кўп қатнайдиган масканга айланган. Бу мадраса ҳазрати Али (р.а.) ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг фикри билан ташкил топган. Шундан сўнг уларнинг шогирди Шариҳ, Алқама ва Масрук мазкур мадрасанинг энг таниқли имомлари бўлиб, номлари бутун дунёга ёйилди. Сўнггра Иброҳим Наҳъий (ваф. 96 хиж.), ундан кейин Ҳаммод ибн Абу Сулаймон имомлик қилган.

Фикҳ илми ҳазрати Али ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) шарофати ила тараққий қилган. Шу сабаб Имом Абу Ҳанифа (р.а.) бу машҳур саҳобалар ташкил этган мактаб устозларидан илм олди. Янги шогирд бўлгани боис энг орқада ўтирарди. Аммо бир неча кун ўтиб бирон киши қувваи ҳофиза ва зукколикда Абу Ҳанифа (р.а.)га тенг кела олмаслигини сезгач устози у кишига олдинги сафда ўтиришни буюрди. Шундан сўнг Абу Ҳанифа ҳазрат Ҳаммоддан мунтазам сабоқ ола бошлади ва шогирд сифатида у зотнинг охири нафасигача бирга бўлди.

Ўша кунларда Имом Ҳаммоднинг Басрада яшовчи бир қариндоши қазо қилиб қолади. Абу Ҳанифанинг айтишича, устози Ҳаммод уни ноиб сифатида қолдириб, ўзи таъзия билдиргани сафарга чиқади. Бу воқеадан кейин устознинг шогирдлари ва аҳли илм Абу Ҳанифага мурожаат қила бошлайди. Айрим масалалар бўйича Абу Ҳанифа устозидан бирон ривоят эшитмаган бўлса-да, ўзи ҳаракат

² Алий ал-Қорий. Ар-равдатул азҳар фи шарҳи ал-фикҳил акбар. – Байрут, 1998. – Б.6 – 7.

³ Муҳаммад Қосим Абдух. Маканату ал-имам Абий Ҳанифа байна ал-муҳаддисийн. – Макка, 1993. – Б.76.

қилиб жавоб қайтарар ва эҳтиёткорлик билан ўз жавобларини қайд этиб қўяр эди.

Икки ой ўтгач устози Ҳаммод сафардан қайтди, шунда Абу Ҳанифа кундаликни у зотга кўрсатди. Жами 60 та масала сўралган бўлиб, Ҳаммод берилган жавоблардан 20 тасигина хато эканини кўрсатди. Қолгани хусусида жавобларни саҳиҳ деб айтди. Абу Ҳанифа: “Устозим Ҳаммод ҳаёт эканлар, шогирдлик риштасини узмайман”, – деб аҳд қилди ва умрининг охирига қадар устозининг этагидан маҳкам тутди. Бу ҳақда Муҳаммад Қосим Абдух “Маканату ал-имам Абий Ҳанифа байна ал-муҳаддисийн” асарида айтиб ўтган: “Абу Ҳанифа фикҳдан дарс олган ва ундан ҳеч ажрамаган устози исфаҳонлик машҳур фақиҳ Ҳаммод ибн Абу Сулаймондир”⁴. Имом Заҳабий ҳам ўзининг “Дувал ал-ислом” асарида: “Имом Абу Ҳанифанинг ҳадис илмидаги энг катта шайхи Ато ибн Абу Рабоҳ, фикҳдаги энг катта шайхи эса Ҳаммод ибн Абу Сулаймондир”⁵, – деб таъкидлайди.

Абу Ҳанифа қироатни 7 машҳур қоридан бири – имом Осимдан ўрганган деб ривоят қилинади. Айни унинг қироатига кўра Абу Ҳанифа Қуръони каримни ёд олган⁶.

Имом Ҳаммод ҳаётлик вақтида Абу Ҳанифа у кишидан ҳадисларни ўргана бошлади. Сабаби, ҳадис илмини билмай туриб фикҳ масалаларини мукаммал билиш мумкин эмасди. Куфада Абу Ҳанифа ҳадис илмини ўрганиш учун бош уриб бормаган муҳаддис қолмаган. Абулмахосин Шофеъий (ваф. 501 ҳиж) у кишининг ҳадис илмидаги устозларини санаб, уларнинг 93 нафари Куфа ёки Куфа музофотида яшаганини қайд қилган. Уларнинг кўпчилиги тобеъин эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, 124000 нафар саҳобанинг 1500 нафари Куфада яшаган⁷.

⁴ Муҳаммад Қосим Абдух. Маканату ал-имам Абий Ҳанифа байна ал-муҳаддисийн. – Макка, 1993. – Б.76.

⁵ Муҳаммад Қосим Абдух. Маканату ал-имам Абий Ҳанифа байна ал-муҳаддисийн. – Макка, 1993. – Б.17.

⁶ Зухур Аҳмад Хусайний. Имом Аъзам Абу Ҳанифа ка муҳаддисана макам. – Зобидобод, 1998. – Б.147.

⁷ Али Қорий. Ан-ниқоя мин шарҳи мухтасар ал-виқоя. – Қозон: Императорской университет, 1899. Ж.1. – Б.41.

Уларнинг аксарияти илмда етук кишилар бўлган. Энг улуғлари Абдуллоҳ ибн Масъуд, Али ибн Абу Толибдир. Абу Ҳанифа тарбияланган муҳит – Куфа саҳобаларга, ҳадиси шарифга бой эди. Шунинг учун Абу Ҳанифанинг ўзи тақрибан 4000 та ҳадис ривоят қилган.⁸

Гарчанд имом Абу Ҳанифа устозлардан ҳадис бобида чуқур сабоқ олган бўлса-да, аммо йирик диний марказ ҳисобланган Ҳарамайнга ҳам бориб илм ўрганиш зарур эди. Абу Ҳанифа Маккага борган пайтларда диний таҳсил авжида эди. Илми ҳадис бобида донг таратган олимлар хизматида бўлиб, уларнинг илмидан баҳраманд бўлган. Ҳар бирининг ўз мактаби мавжуд бўлиб, улар орасида, айниқса, тобеъин Ато ибн Абу Рабоҳнинг мактаби машҳур эди. Ул зот аксар саҳобалар суҳбатидан баҳраманд бўлган тобеъин муҳаддислардан ҳисобланарди. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Аббос, Ибн Умар, Ибн Зубайр, Усома ибн Зайд, Жобир ибн Абдуллоҳ, Зайд ибн Аркам, Абу Дардой, Абу Ҳурайра ва бошқа саҳобаи киромлардан ҳадис тинглаган эди. Абдуллоҳ ибн Умар айтади: “Ато ибн Абу Рабоҳ бўла туриб, одамлар нега менга қатнайдилар?” Катта-катта муҳаддис олимлар, жумладан, Авзойи, Зухурий, Амр ибн Динордан сабоқ олиб Абу Ҳанифа етук муҳаддис даражасига етади.

Имом Абу Ҳанифа ҳам Атонинг хизматида бўлди. Борган сайин Абу Ҳанифанинг илмий заковати ва устози кўз ўнгидаги кадр киймати ортиб борди. Дарсга борганида устози бошқа шогирдларини жой-жойига ўтказиб, Абу Ҳанифага ёнидан жой берарди. Ато 115 ҳижрий йилгача яшайди, Абу Ҳанифа у зотнинг хизматида чарчамаган.

Абу Ҳанифа Атодан ташқари Маккаи мукаррамадаги бошқа муҳаддис олимлардан ҳам ҳадис ўрганди. Улар орасида Икриманинг номини алоҳида таъкидлаш ўринли. Икрима Абдуллоҳ ибн Аббос (р.з.а.)нинг қули ва шогирди эди. У киши қулига таълим-тарбия берган. Имом

⁸ Шайх Алоуддин Мансур. Имоми Аъзам буюк имоми-миз. – Бишкек: Диний кўмита нашриёти, 1998. – Б.92.

Шаъбий ҳатто: “Қуръони каримни Икримадан ортиқроқ билувчи қолмади”, – деган. Бир киши Саъид бин Жубайрдан сўрайди: “Дунёда сиздан кучлироқ олим борми? У зот: “Ҳа, Икрима”, – деб жавоб беради⁹.

Бундан маълум бўладики, Абу Ҳанифа (р.а.) ана шундай забардаст саҳобалар ва муҳаддис тобеъинлардан ҳадис илмини ўрганган, кейинчалик улардан ҳадислар ҳам ривоят қилган. Аммо Абу Ҳанифанинг ўзи ҳадис китоби ёзмаган. Бироқ ушбу мазҳабнинг муҳаддис олимлари Имом Абу Ҳанифа ривоят қилган ҳадисларни жамлаб, алоҳида китобларга киритганлар. Жумладан, Ҳофиз Ҳусайний шундай деган: “Муҳаддис уламолар Имом Абу Ҳанифа ривоят қилган ҳадислардан фойдаланиб кўпгина муснад асарларни ҳам ёзишган ва улар ҳадис машойихларининг муснадларида зикр қилинган ҳолда бизнинг давримизгача етиб келган”.¹⁰ Олимнинг шогирдлари ва кейинги уламолар томонидан жамланган асарларнинг аксари “Имом Абу Ҳанифа муснади” деб номланган. “Имом Абу Ҳанифа ривоят қилган ҳадислар ўн бешта муснадга жамланган”¹¹, – дейди шайх Абдулаввал Жонпурий. Асосан мана шу муснадлар машҳурдир. Бундан ташқари, жуда кўп уламолар ушбу асарларга оид шарҳ ва мухтасарлар ёзишган.

Абу Ҳанифа муснадлари у киши ривоят қилган ҳадислари жамланган энг муҳим манба ҳисобланиб, улардан бири юртимиздан чиққан буюк муҳаддис олим Хатиб Абул Муайяд Хоразмийга тегишли “Жомеъ масонид ал-Имом ал-Аъзам” (Абу Ҳанифа муснадлари тўплами) асаридир.

Юқорида айтилганидек, муҳаддис ва тарихчи олимлар Абу Ҳанифа (р.а.) ҳадис илмини кимдан ўргангани ҳақида ўз асарларида баён қилиб кетганлар. Жумладан, Имом Заҳабий ўзининг “Тазкират ул-хуффоъ”

асарида Абу Ҳанифанинг машҳур устозларидан айримларини қуйидаги тартибда санаб ўтган¹².

1. Абдуллаҳмон ибн Ҳурмуз Арабий (ваф. 117/735)
2. Адий ибн Собит
3. Амр ибн Динор (ваф. 126/732)
4. Ато ибн Абу Рабоҳ (ваф. 114/732)
5. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али
6. Абу Исҳоқ (Амр ибн Абдуллоҳ Зиюҳмид) (ваф. 127/745)
7. Қатода ибн Диома Басрий (ваф. 118/736)
8. Нофий (ваф. 117/735)
9. Салама ибн Қуҳайл

Юқорида айтиб ўтилганидек, Имом Заҳабий Абу Ҳанифа таълим олган муҳаддисларнинг энг машҳурларини келтирган, холос. Аслида, уларнинг сони бошқа маноқиб асарларда талайгина. Шундан келиб чиқиб ишонч билан айталикки, Абу Ҳанифа нафақат фикҳ илми бўйича йирик олим, балки ҳадис илмида ҳам анчагина меҳнат қилган, машҳур муҳаддис олимларнинг илмий ҳалқаларида қатнашган, улардан ҳадислар эшитган ва ўз шогирдлари орқали ҳадислар ривоят қилган таниқли муҳаддислардан бири ҳам ҳисобланади. Унга нисбат берилиб ёзилган ўн бешта муснад асарлари фикримизга далил бўла олади.

⁹ Зухур Аҳмад Ҳусайний. Имом Аъзам Абу Ҳанифа ка муҳаддисана мақам. – Зобидобод, 1998. – Б.241.

¹⁰ Зухур Аҳмад Ҳусайний. Имом Аъзам Абу Ҳанифа ка муҳаддисана мақам. – Зобидобод, 1998. – Б.522.

¹¹ Шайх Абдулаввал Жунпурий. Муфийд ал-муфтий. Консируд. – Усманийя, 1987. – Б.13.

¹² Имом Заҳаби. Тазкира ал-хуффоъ. – Байрут: Дор ал-ку-туб ал-илмия, 1984. Ж.1. – Б.168.